



## GOVERNANCE SYSTEM OF THE WESTERN TURKIC KHAGANATE IN CHOCHA AND TOKHARISTAN

*Yakubdjan Kadyrovich Muhamedov*

senior lecturer, Ph.D

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [mukhamedov-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** choch, management, Tokharistan, Sogd, Khakan, Turk, Ephtalit, Tegin, shad, yabgu, judot, tudun, eltabar, tarkhan, slifa, trade, exchange.

**Received:** 19.02.24

**Accepted:** 21.02.24

**Published:** 23.02.24

**Abstract:** The purpose of this article is to study the scientific issues of management reforms carried out by the Western Turkic Khaganate in scientific sources and studies of the management system of the Choch oasis and Tokharistan, based on the analysis of data from archaeological and written sources.

In researching the information presented in the article, the opinions expressed by researchers conducting scientific research on this issue were studied and analyzed based on opinions.

## ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ЧОЧ ВА ТОХАРИСТОНДАГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

*Якубджан Кадирович Мухамедов*

катта ўқитувчи, PhD

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [mukhamedov-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** чоч, бошқарув, Тохаристон, Суғд, Хоқон, турк, эфталит, Тегин, шад, ябғу, худот, тудун, элтабар, тархон, слифа, савдо, айирибошлаш.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чоч воҳаси ва Тохаристон бошқарув тизимини ёритишда илмий манбаларда ва тадқиқотларидан ўрин олган хоқонлик томонидан олиб борилган бошқарувдаги ислохотларнинг мазмун моҳиятини илмий масалаларни ўрганишга қаратилган бўлиб, бу борада археологик ва ёзма манбалардаги маълумотлар таҳлили асосида ўрганилган.

Мақолада келтирилган малумотларни тадқиқ қилишда мазкур масала бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар томонидан билдириб ўтилган фикр мулоҳазалар асосида ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинган.

## СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ ЗАПАДНО-ТЮРКСКОГО КАГАНАТА В ЧАЧЕ И ТОХАРИСТАНЕ

*Мухамедов Якубджан Кадырович*

*старший преподаватель, PhD*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [mukhamedov-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** чач, управление, Тохаристан, Согд, Хакан, Тюрк, Эфталит, Тегин, шад, ябгу, худот, тудун, эльтабар, тархан, слифа, торговля, обмен.

**Аннотация:** Целью данной статьи является изучение научных вопросов реформ управления, проводимых Западно-Тюркским каганатом, в научных источниках и исследованиях системы управления Чочским оазисом и Тохаристаном, на основе анализа данных археологических и письменных источников.

При исследовании информации, представленной в статье, было изучено и проанализировано на основе мнений мнение, высказанное исследователями, проводящими научные исследования по данному вопросу.

### КИРИШ

Сўнги йилларда археологик ёдгорликларни ўрганиш ва хариталарини яратиш, аниқланган манзилгоҳларда консервация ва реставрация ишларини амалга ошириш натижасида илк ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги, моддий маданияти, ижтимоий иқтисодий ва маъмурий бошқарув тизими бўйича муаммоларни ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мавзуни ёритиш бугунги кундаги долзарб мавзулар сирасига киради.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Мазкур масалани ёритишда Н. Я. Бичурин С.Г. Кляшторный Э.Эсин ва Э.Экзем, Ф.Жуманёзов, М. Хатамова, Ф.Бобоёров ва А. Кубатинларнинг тадқиқотлари илмий ишнинг асосий манбасини ташкил қилади.

Ушбу мавзуни ёритишда тарих фанида тан олинган тарихийлик, обективлик тамойиллари, тизимли қиёсий таҳлил, муаммовий ва фанлараро ёндашув каби усуллардан фойдаланилган.

Ғарбий турк хоқонлиги ўз бошқарув тизимини олиб боришда таркибидаги худудларнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсий ва маданий ва табиий хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширган. Хусусан хоқонлик маҳаллий ҳокимликларни бошқаришда уларни ўз ўрнида қолдирган.

Жумладан: “Сугд ва Фарғонада олий ҳукмдор-ихшид, Тохаристонда – ябғулар”, Кешда-ихрид, Бухорода –худот, Уструшонада-афшин, Чочда – тудун[1] дея тилга олиб ўтилган. Маҳаллий бошқарувда ҳар бир худудни ўз ҳокими орқали назорат олиб боришган ички ишларига аралашмасдан фақатгина ўлпон олиш сиёсатини амалга оширганлар.

VII асрнинг бошларига келиб бирданига бир неча вассал ҳукмдорликнинг бошқарувида хоқонлик аралашуви билан ўзгаришлар юз бера бошлаган. Хусусан, Чоч ва Фарғона каби вассалларга хоқонлик кўшинлари жўнатилгани ва маҳаллий ҳукмдор ўлдирилиб, ўрнига хоқонлик вакилларидан бирортаси ўтиргани, Тохаристонда эса хоқонлик шаҳзодаларидан бири дастлаб “тегин”, “шад” кейинроқ эса “ябғу” унвони билан ҳокимият юргиза бошлагани кўринади. Улар орасида Чоч биринчи бўлиб, тўғридан-тўғри хоқонлик вакиллари ҳокимияти ўрнатилган вассал воҳа ҳукмдорлиги бўлган. 605 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувчиларидан бири бўлиб турган Шегуй хоқон (611-618) буйруғи билан Чоч ҳукмдори Нйе ўлдирилади ва бу ерни тегин Тяньчи бошқара бошлайди[2]. Кейинчалик шунга ўхшаш ҳолат Фарғона водийсида ҳам юз беради.

Бундан кўринадики, хоқонлик вақт ўтган сари ўз вассалларини бошқаришда янада катъийроқ усуллар қўллаб бошлаган. Бироқ бундай ҳатти-ҳаракатлар Ғарбий Турк хоқонлигига тобе вассалларнинг барчаси бўйлаб олиб борилганми-йўқми масаласи ҳали тўлақонли ечилмаган. Хоқонлик таркибидаги ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликларда VII – VIII асрлар орасида туркий бошқарувчилар учраши вассаллар устидан хоқонлик тобора ўз бошқарувини кучайтириб борганидан дарак беради. Шу билан бирга, кўплаб маҳаллий сулолаларнинг ўз ўрнида қолдирилгани, VII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бир томондан Ғарбий Турк хоқонлиги кўпроқ ўз ички ишлари билан ўралашиб қолгани, иккинчи томондан эса Тан салтанатининг хоқонлик устидан устунлик ўрнатиши сифатида қаралади [3].

Ғарбий Турк хоқонлиги Марказий Осиёнинг бошқа бир қатор кўчманчи асосли давлатларидан фарқли ўлароқ кўпроқ ўтроқ воҳалардаги ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликларни ўз ичига олган давлат сифатида ўзини намоён қилади.

Марказий Осиё воҳа давлатлари учун хос хусусиятлардан бири шу эдики, уларнинг аксарияти бирор йирик салтанат таркибига кирган пайтда ҳам ўз нисбий мустақиллигини сақлашга интилар, ўз сулоласи бошқаруви дахлсизлигини таъминлашни мақсад қилган маҳаллий ҳукмдорлар эса янги хўжайинлари билан муроса қилиш йўлини тутиб келарди.

Уларнинг нисбий бўлса-да, ўз ярим мустақиллигини, ҳеч бўлмаганда ички бошқарувда эркин бўлганини кўрсатадиган далиллар орасида биринчи навбатда шубҳасиз танга-пуллар туради. Хусусан, Шарқий Туркистон, Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлардаги мавжуд воҳа ҳукмдорликларидан бир қанчаси милоннинг бошлариданок ўз танга-пуллари зарб қилдиришгани каби бир қатор омиллар уларнинг ўз ички бошқарувида маълум маънода мустақил бўлганидан дарак беради.

Хитой йилномаларидаги маълумотлардан хоқонлик кўшинлари Амударё–Сирдарё худудига кириб келган пайтда бу ердаги воҳа давлатлари аксариятининг бошқарувчи *Чжаову хонадонига* мансуб бўлиб, *Ань* (Бухоро), *Цао* (Кабудон), *Ши* (Чоч), *Ми* (Маймурғ), *Хэ* (Кушония), *Хо-сюнь* (Хоразм), *Мао-ди* (Битик ёки Вардона?), *Шы-ши* (Кеш) *Кан* (Самарқанд) каби тармоқларга бўлинар, улар орасида Самарқанддаги сулола марказий хонадон ҳисобланар эди [4]. Бироқ мазкур сулолаларнинг асосчилари ушбу воҳа ҳукмдорларининг туб маҳаллий аҳолисига мансуб бўлмай, хитой йилномаларида таъкидланишича, бу ерларга *Цил-ян* тоғлари (Шарқий Туркистоннинг шимоли)дан кўчиб келган бўлиб[5], уларнинг қачон ва қайси этно-сиёсий жараёнлар натижасида бу ерларга келиб қолгани етарлича аниқланган эмас.

Хоқонлик ва унинг таркибига кирган вассаллар ўртасидаги муносабатини ёритишда “элтабарлик тизими” алоҳида ўринга эга. *Элтабар* унвони воҳалар бошқарувига алоқадор равишда хитой, суғдий, бактрий ва бошқа тиллардаги манбаларда тилга олинадики, бу эса хоқонликнинг уларга фарқли статус берганлигидан далолат беради. Жумладан, бу хитой йилномаларида учрайдиган “*Фарбий турклардан Тун ябғу-хоқон вассал (воҳа) ҳукмдорларига элтабар унвонини берди*” мазмунидаги маълумот асосида ўз тасдиғини топиб, С.Г. Кляшторнийнинг ушбу маълумоти асосида “тобе воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларига туркий унвонлар берилиши хоқонлик уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганининг ифодаси”[6] шаклидаги талқини ўринлидир. Демак, хоқонлик ўз вассаллари бўлмиш воҳа ҳукмдорликларининг бошқарувчиларига *элтабар* унвонини бериш орқали уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганини тасдиқлаш баробарида уларни мавқе жиҳатдан йирик ва нуфузли кўчманчи қабила бошлиқлари билан тенг ўринда эканлигини ҳам англатади.

Хоқонлик ўз таркибидаги вассалларни мавқеи жиҳатидан нисбатан кучли ва заиф гуруҳлардан иборат эди деб ҳисоблаш мумкин. Биринчиси “элтабарлик”лар бўлиб, ҳар бири ўз бошқарувчи сулоласига эга, асосан, воҳа ҳукмдорликлари ва қисман кўчманчи сиёсий уюшмалар эди. Шарқий Туркистон (марказий қисми), Амударё–Сирдарё оралиғи ва унга туташ худудлар, Шимолий Ҳиндистон, Хуросондаги ўтроқ воҳа ҳукмдорликлари,

шунингдек, Қора денгиз, Шимолий Кавказ ва Волга – Урал бўйидаги ярим кўчманчи қабила уюшмалари (*алан, булғор, хазар* ва ҳ. к.)дан иборат эди.

Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарувида “ўлпончилик тизими” ҳам алоҳида ўрин тутган. Ўлпончилик масаласи манбаларда батафсил ёритилмаган бўлса-да, баъзи маълумотлар асосида вассалларнинг ўз хўжайинларига йилда бир мартаба хирож юбориб турганликлари, ўлпон йиғиш эса марказдан – хоқонлар томонидан юборилган *тудун* унвонли вакиллар томонидан назорат қилиб борилганини кўриш мумкин. Уларнинг бош вазифаси “тобе ўлкалар бошқарувчилар устидан назорат қилиш ва солиқ йиғишни ташкил қилиш” дан иборат бўлган *тудунлар*, аслида хоқонларнинг ўз вассаллари устидан тайинлаган вакиллари – ноиблар бўлиб, бундай анъана айнан қачон жорий қилингани унчалик аниқ эмас. Хитой йилномаларида Тун ябғу-хоқон (618–630) ўз вассалларига *силифа* (элтабар) унвони бергани ва уларнинг назоратига бир нафардан *тутунь* (тудун) жўнатганининг қайд этилишига асосланиб[6], кўпчилик тадқиқотчилар айнан 620 – йиллардан бошлаб тудун – ноиб юбориш усули йўлга қўйилган деган, фикрга келишган бўлишига қарамай, аслида, хоқонлик 560 – йилларда ўз вассалларига эга бўлган даврдан ёки ундан сал кейинроқ, ушбу усулни қўллай бошлаганини тасдиқлайдиган далиллар ҳам мавжуд. 577 йилда тузилган Гаочан (Турфон)га тааллуқли хитойча бир ҳужжатда ушбу ҳукмдорликка алоқадор хитойча ва маҳаллий унвонлар билан бирга туркий *тудун* унвони ҳам учраши[7]бунга далил бўла олади.

Ғарбий Турк хоқонлиги ўз бошқарувини олиб боришда маълум бир ислоҳотларни жорий қилган. Хусусан, Тохаристон бошқарувидаги бу ер бошқаларига нисбатан анча кенг ҳудудни ўз ичига қамраб олган бўлиб, Хитой йилномаларида Тухоло (Тохаристон) 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи *Хо* (Қундуз)да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб *шеху* (турк. *ябғу*) унвонли ҳукмдорга бўйсунуши таъкидланади[8]. Балх, Термиз, Чағониён, Хуттал, Кумед, Вохон, Шуғнон, Кубодиён, Вахш, Шуман, Ахарун, Каррон, Руб, Самингон, Шубурғон, Гузгон, Гарчистон, Бодғис қаби ярим мустақил ҳукмдорликлардан ташкил топган Тохаристонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этиб ўтилган[9].

Хоқонлик собиқ Эфталлийларнинг сиёсий марказлари Қундуз ва Балх хоқонлигининг таянч шаҳарларига айланади ва хоқонлар дастлабки йиллардан бошлаб бу ерда ўз ноибларини жойлаштира бошлайдилар. 590- йиллар атрофида Тохаристон бошқарувида Гарду хоқон (576–603) *тегин* унвонли ўғлини юборган бўлса, 620- йилларда Тун ябғу-хоқон ўз ўғли Гарду шадни жўнатади. 620-йиллардан то 750-йилларга қадар Тохаристонни бошқарган сулола вакиллари *Ябғулар* сулоласи номи остида қарийб 150 йил ҳукмронлик қилишган[10]. Бу вақтда бевосита Ашина хонадонига тақалувчи сулолалар томонидан

бошқарилган Чоч ва Фарғонадан фарқли ўлароқ, Тохаристон ҳукмдорларининг *ябгу* унвони билан ҳукм юритишлари хоқонлик учун бу ер алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини англатади. Тохаристондаги мавжуд кичик ҳукмдорликлар аксариятида хоқонликка бевосита ва билвосита дахлдор сулолаларнинг вужудга келиши ҳам шу билан боғлиқ бўлса керак. Хусусан, Термиз, Чағониён, Балх, Бодғис, Хуттал, Вохон, Вахш, Шуман, Ахарун, Кумед, Кубодиён ва ҳ. к. лар бошқарувида туркий сулолалар турган[11].

Йилномаларда *Шаболо гйелифа* (турк. Ишбара элтабар) Вохон ҳукмдори сифатида 656–660 йилларда, *гйелифа* (элтабар) эса Хуттал ҳукмдори сифатида 730- йилларда Хитойга элчи юборгани қайд этилган[12]. Шунингдек, Шуман ва Ахарунни ҳам туркий сулола бошқарган бўлиб, Сюан Цзан уларни туркий *хису* қабиласига мансуб, деб ёзадики[13], Муғтоғи суғдий ҳужжатларининг (720 й. й.) бир нечасида *Lyttpyr, dyttpyr* (элтабар) ёки *хису элтабар* унвонли амалдор ҳақида гап боришига таяниб, ушбу маълумотни Ф. Грене ва Э. де ла Вессьерлар мазкур ҳудудлар билан боғлашади[14]. Бундан ташқари, Тохаристон жанубидаги майда ҳукмдорликлардан бири Рубда 639–757 йиллар оралиғида тузилган бактрий тилли бир неча ҳужжатда *υλιτοβηρο* (элтабар) унвони учрайди[15]. Хусусан, 639, 678, 682 каби фарқли йилларда тузилган бактрий ҳужжатлари (Дос. N, P, Q)да *χαγανο ταποαυλιγο υλιτοβηρο* (бактр. -турк. “хоқоннинг тапуғлиғи (хизматчиси) элтабар”) ёки 710 йилда тузилган бактрийча ҳадя ҳақидаги ҳужжат (Дос. T)да туркий маликага нисбатан *χотолоγο ταπαυλιο βιλγαβο σαβοοοο* (турк. “Қутлуғ тапуғлуғ билга-себук/себиг”) иборалари қўлланилган бўлиб[16], улардаги *тапуғлуғ* сўзи луғавий жиҳатдан “хизматли, хизматчи, хизмат кўрсатган” мазмунидадир[17] Ҳужжатлар мазмунидан Руб ҳукмдори, яъни элтабар хоқоннинг “хизматчиси” сифатида эътироф этилгани сезилади. *Тудун* унвони эса Тохаристоннинг маркази Қундузга яқин мавзегга тегишли 702 йилга оид бир ҳужжатда учраб, унда *σηροτορκο* (“Турклар ҳукмдори”) ва *γαζο ταδοно* (“Газ тудуни”) иборалари ёнма-ён келади[18]. Шунингдек, бактрий ёзуви VII–VIII асрларга оид туркий тангаларда *тадоно тархано* (“тудун-тархон”) унвони учраса, Табарий асли бомиёнлик Хуттал ҳукмдори Тудун тархон (737) ҳақида ёзади[19].

Бу эса Тохаристон ябғулиги моҳиятан Ғарбий Турк хоқонлигига бирмунча ўхшаш бўлиб, хоқонликка хос *ябгу*, *шад*, *тегин* каби юқори даражали унвонлар унинг марказий бошқарувида, тасарруфидаги кичик ҳукмдорликлар бошқарувига эса *элтабар*, *тудун*, *тархон*, *эркин* сингари хоқонлик иерархиясида нисбатан қуйи поғонадаги унвонлар жорий қилинган, деб ҳисоблашга имкон беради. Шу билан бирга, улар бошқарувидаги *худот*, *шоҳ*, *шер* каби маҳаллий эроний унвонлар қўлланилишда давом этган[20].

Тохаристон билан боғлиқ тарихий далилларни илмий таҳлил қилиш Ғарбий Турк хоқонлигининг Чоч воҳаси бошқарувида жорий қилган усул ва воситаларни янада тўлиқроқ

ёритишда катта ёрдам беришини таъкидлаб ўтиш керак бўлади. Айниқса, бу хоқонлик даврида Чоч ва Тохаристонда зарб қилинган тангалардан ўрин олган асосий унвон ва тамғаларнинг ўзаро ўхшашликка эгаллигида, қисман эса ҳар иккала ўлка тангаларининг иконографик томондан яқинлик касб этишида ўз ифодасини топган. Хусусан, бу масалага эътибор қаратган Ғ.Бобоёров ва А.Кубатинлар Чоч ва Тохаристон тангаларида хоқонликка хос “ябғу”, “тегин”, “элтабар” унвонлари учраши билан биргаликда қуйидагича тамғаларнинг ўзаро ўхшаш эканлигини аниқлаганлар:

◊ / ◊, ⚡ (⚡), Ω, В / Т (Чоч) - ◊, ⚡ (⚡ / ⚡), Ω, ↑ (Тохаристон)[21].

Ушбу тадқиқотчиларнинг фикрича, Тохаристон тангаларидаги тамғаларнинг кўпчилиги Чоч тамғалари билан яқин ўхшашлиги бу даврда ўлкани Тохаристонда Ғарбий Турк хоқонлигининг яна бир тармоғи – Ябғулар сулоласи бошқарувда бўлса, Чағониёнда эса келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи сулола бошқарувда бўлганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин[22].

Шу билан биргаликда, Чоч ва Тохаристоннинг унчалик аралаш бўлмаган, келиб чиқиши жиҳатидан тўғридан-тўғри Турк хоқонлигига туташувчи сулолалар бошқарув тизимини хоқонлик бошқарувига хос равишда ташкил қилгани кўринади. Хусусан, Чочда *тегин/шад – тудун – тархон* каби унвонлар кетма-кетлигидан ташқари, Тун, Баҳодур, Кул, Инал, Чабиш сингари туркий исм ва эпитетлар учраса, Тохаристон ябғулигида унвонлар *ябғу – шад – тегин – тудун – тархон* узвийлиги баробарида Тарду, Ишбара, Қутлуғ, Тун, Бўғра каби туркий исм ва эпитетлар мавжуд бўлиб, шу жиҳатдан ҳар иккала ҳукмдорлик хоқонликка хос анъаналарни ўзида мужассам этган.

### ХУЛОСА

Демак, гарчи бир-биридан қарийб 700 км узоқда жойлашган ва худудий жиҳатдан ҳеч қандай қўшни бўлмаган Чоч ва Тохаристон бошқарувида ўзаро ўхшашликларнинг кўзга ташланишининг негизидан ҳар иккала тарихий ўлканинг битта сиёсий байроқ остида бирлаштирилиши, яъни хоқонлик таркибида бўлиши ётиши билан биргаликда, иккаласи учун ҳам деярли бир хил бошқарув шакли жорий қилинганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sagdullayev A.S.va bosh... O`zbekiston tarixi I kitob. (Oliy o`quv yurtlari Tarix fakulitetlari talabalari uchun darslik) Toshkent “Vneshinvestprom”. 2019. – B.317.
2. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. Т. II. – М.- Л., 1950. – С. 273, 282, 313; Бобоёров Ғ. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Б. 33.

3. Кляшторный С. Г. Генеалогия и хронология западнотюркских и тюркешских каганов VI – VIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизистана. – Фрунзе, 1985. – С. 165–168; Бобоёров Ф. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2012. –Б.15-19
4. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 310; Chavannes E. Documents sur les... – P. 134; Смирнова О. И. Очерки из истории... – С. 37.
5. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 310.
6. Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб.: Наука, 2006. – С. 408.
7. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 283; Taşağıl A. Gök-Türkler. – Ankara, 1995. – S. 92.
8. Sarıtaş E. Göktürk Kültürünün Gaochanglılara etkileri üzerine bazı bilgiler // XV. Türk Tarih Kongresi, Ankara, 9–13 Eylül 2002. Kongreye sunulan Bildiriler. Cilt III. – Ankara, 2005. – S. 477.
9. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321.
10. История ат-Табари... – С. 124.
11. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 321–322; Chavannes E. Documents sur les... – P. 155–158; Harmatta J., Litvinsky V. A. Toharistan and Gandhara... – P. 373; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre ... – S. 138–139.
12. Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент., 2018. – Б. 15 – 19.
13. Бичурин Н. Я. Собрание сведений... II. – С. 324, 326.
14. Гафуров Б. Г. Таджики... – С. 227; Гоибов Г. Ранние походы... – С. 30–31.
15. Grenet F., de la Vaissiere E. The last days... – P. 177.
16. Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford University Press, 2000. – P. 74, 126.
17. Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien, 1999. – P. 255–256; Sims-Williams N. Bactrian Documents from Northern Afghanistan, I: Legal and Economic Documents. – Oxford University Press, 2000. – P. 74, 82, 88.
18. Древнетюркский словарь... – С. 535.
19. Sims-Williams N. Bactrian Documents from... – P. 94.



20. Джуманиязова Ф. Илк ўрта асрларда Тохаристон ва Кобул водийсида туркий сулолалар.: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент., 2018. – Б. 15 – 19.

21. История ат-Табари... – С. 256.

22. Бабаяров Г., Кубатин А. Тамги как источник по истории взаимоотношений Чача и Тохаристана в раннем средневековье (на основе нумизматического материала) // O‘zbekiston tarixi, №1. – Ташкент, 2010. – С. 3 – 4.

23. Бобоёров Ф. Қадимги туркча унвонли Тўхористон тангалари // Ўзбекистон: тарих ва маданият. №3, 2019. Б. 15 – 25.